O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 4-sentabr • Seshanba • 109 (27.754) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР

Мустақиллик ўзининг бунёдкорлик қудрати билан тобора юксалиб, ҳар бир соҳада бўй-бастини ёркин намоён этмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, автомобилларни арзон ёнилғи-суюлтирилган газ билан таъминлашга ўтказилаётгани наинки иқтисодиётга, балки экологияга ҳам катта фойда келтирмоқда. Наманган вилояти шаҳар ва туманларида ҳам бу ишга дадил қўл урилмоқда.

Учқўрғонда туманлараро автомобилларга газ қуйиш шохобчаси ташкил этилишига ҳам ҳукумат қарори асос бўлди. Замонавий миллий меъморчилик асосида қурилган шохобча ҳамда унинг бинолари туман маркази хуснига ҳусн қўшди. Меҳнат фахрийси, тадбиркор Мўйдинхон Исмоиловнинг саъй-ҳаракати билан ишга туширилган газ қуйиш шохобчаси қурилишига 120 миллион сўм маблағ сарфланди.

Вилоят архитектура қурилиш бошқармаси йўл-йўриғи ва «Тошгазқурилиш» лойиҳа институти тархи асосида барпо этилган маскан «Намангангаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси газ инспекцияси ва бошқа алоқадор ташкилотлар ёрдамида замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

«Мухтасарбону Исмоилова» хусусий корхонасига қарашли мазкур шохобчанинг ишга туширилиши билан 13 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, мутахассислар томонидан шу ернинг ўзида автоуловларга газ қурилмалари ҳам ўрнатиб берилади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ҚЎПАЯДИ

Сир эмас, газдан фойдаланаётганимизга 40-50 йилларча бўлаяптики, лекин узоқ тоғли овулларнинг ҳаммасига ҳам ҳали газ қувурлари тўла етиб борганича йўқ. Чунки, бор-йўғи 3-4 хўжаликдан иборат овулчаларга 50-60 километрлаб қувур тортиб бориш — ҳам молиявий, ҳам жисмоний жиҳатдан анча қимматга тушмоқда. Шу боис, ҳукуматимиз бундай жойлардаги хонадонларни балонли суюқ газ билан таъминлаш чораларини кўраяпти.

Бундан ўн йил бурун «Шўртангаз» унитар шўъба корхонасида бу серталаб маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари йўлга қўйилди. Лойиҳа ҳам, ускуналар ҳам дастлаб хориждан олинди. Кейин, аниқроғи, 2005 йилнинг октябрь ойида қурилиши бошланган иккинчи навбат қурилма лойиҳаси «ЎзЛИТИнефтгаз» институтида тайёрланди. Бош пудратчи — «Бухорогазсаноатқурилиш» ва ёрдамчи пудратчи — «Муборакгазмонтаж» акциядорлик жамиятлари ҳамда Самарқанддаги «Қурилиштермоизолация» бошқармаси бунёдкорлари анча қисқа муддатда барча ишларни ниҳоясига етказишди.

Муҳим жиҳати, янги қурилманинг асосий технологик ускуналари «Ўзбеккимёмаш» заводида тайёрланди. Фақат турбодетандер ускунасигина Украинадан келтирилди. Натижада, корхонада суюлтирилган газ миқдори 80 фоизга ошиб, 50 минг тонна атрофида пропан-бутан аралашмаси олиш ва камида 3 миллиард куб метр газни қайта ишлаш имкони яратилди.

Яқинда корхонада яна бир янгилик жорий этилди: иккита газ сиқув-компрессор агрегати фойдаланишга топширилди. Улар бир йилда 3 миллиард куб метр тозаланган газни қувурларга ҳайдай олиш қувватига эга.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Суратларда: корхона бош технологи Фахриддин Худойқулов қурилма смена муҳандиси Шерзод Раҳматов билан; янги ишга туширилган қурилма кўриниши.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига чин юракдан қутловларимни ҳамда Сизга бахт-саодат ва мамлакатингиз халқига равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни ғоят катта мамнуният ила йўллаш шарафига муяссарман.

АКИХИТО,
Япония Императори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ҳиндистон халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номимдан Ўзбекистон ҳукумати ва дўст ўзбек халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан муборакбод этиш менга катта мамнуният бахш этади.

Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий мероси муштарақдир. Мамлакатларимизда плюралистик жамиятга асос солинган. Давлатларимиз низо уруғини сочувчи кучларга қарши тура оладиган кучли жамиятларни шакллантириш борасида ҳамкорлар ҳисобланади. Муносабатларимиз барча соҳаларда мамлакатларимизнинг манфаатлари йўлида ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Биз икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омонлик, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Пратибха Девисингх ПАТИЛ,
Ҳиндистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқига катта мамнуният ила ғоят самимий қутловларимни йўллайман.

Қувонч билан таъкидлашим керакки, бизнинг икки томонлама муносабатларимиз барча соҳаларда тобора мустаҳкамланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар кейинги йилларда ҳам ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ҳамда кўпдан-кўп муваффақиятлар, буюк мамлакатингизга равнақ тилаб йўллаган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Но Му ХЁН,
Корея Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Покистон халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номимдан самимий қутловлар йўллашдан бахтиёрман.

Мамлакатларимиз яқин муносабатларга эга. Ишончим комилки, бу муносабатлар келгуси йилларда янада мустаҳкамланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаб билдирган истакларимни лутфан қабул қилгайсиз. Шунингдек, Ўзбекистон ва унинг халқига тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Генерал Парвез МУШАРРАФ,
Покистон Ислом Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан дадил олға ҳаракат қилиб, халқаро муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида таркиб топган яқин қўшничилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликка асосланган дўстона муносабатлар бундан буён ҳам давлатларимиз халқлари манфаатлари йўлида оғишмай ривожланади ва мустаҳкамланиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат ишларидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали мамлакатингизнинг бутун дўст халқига ўз қутловларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро биродарлик муносабатлари Туркманистон ва Ўзбекистон халқлари манфаатлари йўлида бундан буён ҳам жадал ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверишига қатъий ишонч билдираман.

Ушбу қувончли имкониятдан фойдаланиб, Сизга чин юракдан мустаҳкам соғлиқ ва омонлик, биродар Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ҳамда равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

Муносабат

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси жойларда ўқиб, ўрганилмоқда, партиямиз ходимлари, газетхонлар маърузадан олган таассуротлари, хулосалари ҳақида таҳририятимизга ёзиб юборишмоқда.

ОЗОД ЮРТНИНГ ЁРУҒ ЙЎЛИ

Президентимиз маърузаси мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини босиб ўтган тарихий йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилишга ундади, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, барқарор ривожлантириш соҳасида янада фаолроқ, янада шижоат билан ишлаш ҳиссини кучайтирди, деб ўйлайман.

Олис манзиллар, ёруғ йўлларга интилаётган катта карвон маълум масофага етганида ўз босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилади, олдиндаги йўналиш, вазифаларини муҳокама этади. Биз ҳам ана шундай катта карвонмиз. Мана 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки, хорижлик мутахассис, сиёсатчилар, халқаро экспертлар ҳам очиқ тан олаяптики, бу даврда биз бошқа айрим давлатларнинг асрлар давомида эришган ютуқларини қўлга киритдик. Биргина сиёсий соҳадаги ислоҳотларни олиб кўринг. Айниқса, 2001-2007 йиллар мамлакатимизда демократияни янада чуқурлаштириш, том маънода янгиланиш ва модернизациялаш даври бўлди. Икки палатали Олий Мажлиснинг шаклланиши юртимизда қонун чиқарувчи олий органнинг такомиллашувига олиб келди. Бугун Ўзбекистон парламенти тизимида мамлакатимиз турли сиёсий кучларининг сиёсий иродасини ифода этиш, ҳудудлар манфаатларини тенг таъминлашнинг адолатли механизмлари мавжуд. Аввалроқ «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун, шу йилда эса Президентимизнинг бевосита қонунчилик ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар фаолиятини тубдан такомиллаштиришни талаб этаяпти ва шунга хизмат қилади.

Нима учун бу масалалар Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлининг иккинчи босқичида кўтарилди, деган савол туғилиши мумкин. Биз биринчи босқичда жуда катта ҳаётий тажриба тўпладик. Миллий анъаналар, қадриятлар, давлатчилик соҳасидаги тажрибаларимизни тикладик ва уларни янада бойитиш борасида изчил қадамлар қўйдик. Иккинчи босқичда эса яратилган ана шу мустаҳкам, пишиқ ва пухта замин асосида демократик янгиланишларнинг навбатдаги босқичидамиз. Бу ерда пухта ишланган, аниқ стратегик мақсадга йўналтирилган сиёсат олиб борилаяпти.

Жаҳон тажрибаси ҳам шуни кўрсатиб турибдики, демократия инсоният ривожи, тараққиёти, камолоти учун энг маъқул йўлдир. Сиёсий партиялар фаолияти, сиёсий плюрализм ва фикрлар хилма хиллигисиз демократияни асло тасаввур этиб бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам иккинчи босқичда сиёсий партиялар фаолиятини кескин жонлантиришга шахсан Президентимиз томонидан жуда катта эътибор қаратиляпти. Аммо, очиқ тан олиш керакки, бугунги кунда сиёсий партиялар фаолияти қўйилаётган ушбу талабларга тўлиқ жавоб беради, дея олмаймиз. Бу борада ҳали жуда қаттиқ меҳнат қилишимиз, ўз устимизда тинимсиз ишлашимиз, аввало электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг яратилган барча механизмларидан самарали фойдаланишни ўрганишимиз, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир этувчи воситасига айланишимиз зарур. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий қонун жуда катта имкониятларни берди. Бош вазирни лавозимига тайинлаш ва ундан озод этиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тизимининг демократик жамиятга хос, адолатли механизми юзага келди. Бугунги кунда ана шу янги қонунга асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракциясининг раҳбари қуйи палата Спикерининг ўринбосари ҳисобланади. Бу ҳам ўз навбатида электоратимиз манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат этаяпти. Умуман, икки палатали парламент шароитида сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари фаолиятида жонланиш кузатиляпти. Эндиги вазифаларимиздан бири — маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик тузилмаларимиз фаолиятини ошириш, уларнинг маҳаллий масалалар, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос муаммосини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда уни ечиш борасидаги ташаббускорлигини кучайтиришдир. Бунинг учун аввало партиямиз қуйи тузилмалари, хусусан бошланғич ташкилотлари, туман, шаҳар кенгашлари ишини тубдан такомиллаштиришимиз зарур, деб ўйлайман.

Ўзбекистон 16 йил давомида жуда улкан, бунёдкор йўлни босиб ўтди. Мураккаб ўтиш даврини бошдан кечирди. Ҳар томонлама тараққий этишнинг барча заминларини яратди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат юзага келди. Бошлаган барча ишларимизни изчил давом эттириш, янада такомиллаштириб бориш келгусидаги устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

2-бет

МАРҒИЛОН МЕҲРИ

ДУНЁНИ ЎЗИГА ОҲАНРАБОДАЙ ТОРТМОҚДА

Кўҳна Марғилон минг йилликлар давомида ўз бошидан не-не талатўпларни кечирмади? Кимлар бу таббарук заминга қилич кўтариб келмади? Чингиз босқини, Хитой девори атрофидаги даштлардан келган талончи гуруҳлар ҳужумлари неча карра бу муқаддас шаҳар деворларини қулатди, маҳаллалар, мачиту мадрасаларни ёндирди. Аммо у ҳар сафар Қақнус қуш каби яна қайта бош кўтараверди, ривожланаверди...

4-бет

Муносабат

МИЛЛАТ УЧУН МУҲИМ САБОҚ

Ҳаётда кўп бор тасдиғини топган бир аччиқ ҳақиқат бор. Бунга тарих саҳифаларидан ҳам, ўзимизнинг узоқ-яқин кечмишимиздан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу ҳақиқат шундан иборатки, одам қанчалик хотиржамликка берилса, уни шунчалар ғафлат босади. Ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд қарай бошлайди. Ана шундай пайтларда кимдир, нимадир уни уйғотиши, ҳушёрликка чорлаш керак бўлади. Акс ҳолда беғамлик, одамни ўз домига тортиб кетаверади...

Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси, айтиш мумкинки, мудроқ қалблар кўзини очиб юборди, бизни мамлакат, миллат тақдири учун масъулиятни чуқурроқ ҳис этиб янада фаол бўлишга даъват этди. Маърузада 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлимиз худди кўзгуда акс этгандек ўз ифодасини топди.

Маърузани қайта-қайта ўқиш ва уқиш жараёнида кўпчилик ҳамюртларимиз, ҳамкасбларимиз, партиядошларимиз кўнглидан ҳар хил саволлар ўтаётган бўлиши табиий: Хўш, шу пайтгача ушбу тарихий воқеаларнинг қай бирини чуқур таҳлил эта олдик? Бошланғич партия ташкилотларида, шаҳар, вилоят кенгашларидаги ўқувлар, семинарлар чоғида кўпроқ умумий фикрлар, расмий гаплар билан чекланиб қолмаяпмизми? Мустақиллик берган имкониятларни ҳаётий мисоллар асосида одамлар юрагига жиз этиб тегадиган даражада тарғибот қила олаяпмизми? Бу масалалар партия йиғинлари кун тартибидан қай даражада жой олаяпти? Бундай саволлар устида жиддий ўйлаб кўриш кераклигини маърузада кўтарилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар талаб этмоқда.

«Ўша йиғилишда иштирок этиб, маърузани тинглаб ўтириб, ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Шу масалалар, воқеаларнинг ичида бўла туриб, бирортасини кўнгилдагидек таҳлил этмабмиз, деб ўйладим», — деди бир ҳамкасбимиз. Дарҳақиқат озгина орияти бор журналист маърузани ўқиб, ўз камчиликларини англаб, хижолат тортиши турган гап. Тўғри, Истиқлол имкониятлари, неъматлари ҳақида кўп ёзиляпти. Бироқ одамларни ҳаяжонга соладиган, уларда фахр-ифтихор уйғота оладиган мақолаларимиз аҳён-аҳёнда кўринаётганини тан олмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда рўй бераётган тарихий воқеалар, ўзгаришлар, курашлар, жасоратлар кўлами олдида, бунёдкор халқимиз олдида, айниқса, биз қалам аҳли қарздор эканлигимизни инкор этолмасак керак.

Ўтган 16 йил шундай шиддат билан ривожландики, Юртбошимиз таъкидлаганидек, унинг ҳар бир йили ўн йилларга, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлди. Бу йиллар орасида халқимиз бир неча бор «қил кўприк»лардан, ўт-оловлардан эсон-омон ўтди. Ички ва ташқи ғанимлар хуружига муносиб жавоб берди. Сиёсат майдонида ақл ўргатувчилар, атайлаб йўлдан чалғитувчилар, ўзига бир томонлама қарам қилиб олмоқчи бўлганлар қўйган тузоқларга илинмай ақл-идрок билан ўз танлаган йўлимизда дадил давом этдик. Мустақиллик, тинчлик йўлига, демократик йўлга содиқ қолдик. Энг катта ташвиш, энг нозик масала, энг улуғ вазифа — халқимиз ризқини бутун қилиб, мамлакатимизда истиқомат қилаётган юздан зиёд миллатлар тотувлигини сақлаб қолишга эришдик.

Вақти-соати келиб, ҳали кўп бор эътироф этиладиган яна бир муҳим ютуғимиз — бу бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида кучли ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯнинг фақат ўзимизга хос бўлган механизмини яратганимиз маърузада алоҳида кўрсатиб ўтилди. Тасаввур қилиб кўрайлик, агар ана шундай инсонпарвар сиёсат юритилмаганида қандай кўнгилсизликлар, ҳатто қандай фожиалар юз берарди? Келажакни олдиндан кўра билиб, олиб борилган бу сиёсат ана шу нохушликларнинг олдини олди, аҳолининг кам таъминланган қатламини қашшоқлик домига тушиб қолишидан асради!

Тараққиёт йўлимизнинг яна бир муҳим соҳасига тўхталмай ўтиб бўлмайди. Мустақиллик байрамига бағишланиб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган тантаналар чоғида майдонга саф-саф бўлиб кириб келган ҳарбийларимизнинг қадди-қоматлари, шахдам қадамларини кўриб, қалбимиз беихтиёр фахр-ифтихорга тўлди. Лекин Мустақиллик йилларида қисқа муддатда армияни ислоҳ этиб, ўз Куролли Кучларимизни, Мудофаа вазирлигимизни ташкил этиш учун қанча курашлар, тазйиқларни бошимиздан ўтказдик. Юртбошимиз таъкидлаганидек, СССР парчаланиши арафаси ва ундан кейинги дастлабки ойларда Қуролли Кучларда бошланган парокандалик, фитна-бўҳтонлар, талон-тарожликлар билан бир қаторда мамлакатимизга ҳам ички, ҳам ташқи таҳдидлар кучайиб бораётган бир шароитда тезлик билан ўз миллий армиямизни тузиш асло кечиктириб бўлмайдиган вазифа эди. Бунинг учун вақт, маблағ ва кадрлар керак эди. Афсуски, буларнинг ҳар учаласи ҳам Ўзбекистонда етишмасди. Аммо ақл-идрок, оқилона сиёсат, мардоналик билан муаммолар ҳал этилди. Бу мураккаб жараён, хавф-хатар ва жасоратга тўла кунлар ҳали таҳлил этилиб, ўзининг ҳаққоний баҳосини олганича йўқ, албатта.

Маърузанинг ҳар банди кўпдан-кўп воқеаларни ёдга солади. Босиб ўтган йўлимиз ҳақида чуқур мушоҳада юритишга, хулосалар чиқариб олишга даъват этади.

Собиқ тузум парчаланган вақтда озиқ-овқат таъминоти масаласида қандай оғир муаммоларга дуч келганимизни ёшларимиз билмас, аммо ўша даврда ақлини таниганлар яхши хотирлайди. Энг зарур истеъмол маҳсулотлари — нон, ёғ, гўшт, шакар нақадар тақчиллигидан одамлар соатлаб эмас, балки кунлаб навбатда туришарди... Ҳатто тўй-ҳашам, турли тантаналар дастурхонлари учун оддий минерал сувни топиш ҳам амримаҳол эди. Шўро замонида асосан хомашё ишлаб чиқаришга мослаштирилганлиги учун юртимиз ана шундай мудҳиш муаммоларга дуч келди.

Кўпчилик яхши билади, илгари замонда битта «Жигули»си бор оила ўзига тўқ ҳисобланарди. Бир маҳаллада саноқли кишиларгина машинали эди. Бугун ҳар бир идора, бозор, ҳатто олий ўқув юртлари олдидаги майдонларда автомобиллар учун жой топишга қийналасиз. 1990-йиллар бошида мамлакатимизда хусусий автомобиллар қанча эди, ҳозир-чи?..

Яна бир воқеа ёдимга тушди. 1984-йилнинг айни ёз чилласида хизмат сафари билан Самарқандга борган эдик. Эски шаҳарда яшовчи бир акахонимизнинг уйида меҳмон бўлдик. У қайсидир корхонада муҳандис эди. Димиқиб кетганимиздан «мабодо душ йўқми?» деб сўраганимизда у қизиқ воқеани гапириб берди:

— Оилада беш нафар фарзандимиз бор. Ёзда-қишда болаларга шароит бўлсин деб ўтган йили ҳовли бурчагида кичкинагина ҳаммом қурдиргандим. Кимдир устимдан ёзибди. Горкомда ишлайдиган бир танишим «ака, ҳаммом қурдирган экансиз, эҳтиёт бўлинг, эртага комиссия бораяпти» деб қолди. Ишонасизми, қўрққанимдан кечаси ҳаммомни бузиб, тептекис қилиб, ўрнига сув сепиб қўйдик. Эрталаб ҳалигилар келганида «қанақа ҳаммом, мана, текшириб кўринглар», деб туравердим. Худо асради, бўлмаса терговга чақириб тинкани қуритишарди. Партиявий жазо беришса ишдан ҳам кетардим...»

Энди ўша кунлар билан бугунги ҳаётимизни таққослаб кўрайлик... Қайси маҳаллага бормайлик, бир-биридан муҳташам уй-жойларга кўзимиз тушади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотлар ҳам маърузада алоҳида таҳлил этилди. Бу ҳақда ўйлаганда ҳам оғир, масъулиятли ва шарафли йўлни босиб ўтганимизга ишонч ҳосил қиламиз. Собиқ компартия йўқ бўлгач, Мустақил Ўзбекистоннинг, янги давлат, янги жамиятнинг биринчи сиёсий партияси — Халқ демократик партияси қандай шароитда юзага келди? Кўппартиявийликни шакллантириш қандай кечди? Қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлисни яратиш, икки палатали парламентга ўтиш, сиёсий партияларга берилаётган ҳуқуқ ва имкониятлар замирида қандай мақсад-муддаолар ётибди?..

Маърузада кўтарилган масалалар хаёлимиздан фаромуш бўлаётган кўп воқеаларни хотирамизда қайта жонлантирди, доим ҳушёр, огоҳ бўлишга, ҳаётдаги ҳар бир жараёндан тегишли хулосалар чиқариб олишга бизни даъват этмоқда. Афсуски, ён-атрофимизда ёки умуман дунёда бўлаётган воқеаларга кўпинча томошабин бўлиб қараб келаяпмиз. Ваҳоланки, сиёсий партия сифатида ҳам, матбуот вакили сифатида ҳам уларга нисбатан ўз қарашларимиз, муносабатларимизни фаол билдиришимиз зарур.

Маъруза руҳига синчковлик билан эътибор берилса, бу асар дунёда бўлаётган воқеалардан доим огоҳ бўлиш баробарида янгиликлар ва ўзгаришларни ҳам ақл, ҳам қалб чиғириғидан қандай ўтказиб, хулосалар чиқариб олишни ўргатади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ушбу маърузаси мамлакат учун, миллат учун муҳим сабоқдир.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Бошланғич партия ташкилотларида

КЎНГИЛЛАРДА ИФТИХОР БИЛАН

МАҲАЛЛАЛАРДА МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ КУТИБ ОЛИНДИ

— Мен йигирма йил илгари шу маҳаллага келин бўлиб тушганман, — дейди пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Ғулом Усмонов номли маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси, ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси Салтанат Каримова. — Ўшанда бу ернинг аҳволидан ҳатто қўрқиб кетгандим. Тор кўчалар, пастқам-пастқам уйлар... Мустақиллик йилларида эса маҳалламиз тубдан янгиланди, чирой очди. Ҳозир бу ерда 2100 нафар аҳоли истиқомат қилади. 30 нафарга яқин ЎзХДП аъзоси бор. Кейинги пайтларда одамларнинг яшашга, хусусий мулкка муносабати бутунлай ўзгарди. Улар қураётган чиройли, шинам, ҳар томонлама қулай уй-жойларни кўриб ҳавасингиз келади. Яқинда ташландиқ жойни обод қилиб, ҳомийлик, ҳашар йўли билан гузар барпо этдик...

Ушбу маҳалланинг шундоққина ёнгинасида Аҳмад Яссавий номли маҳалла жойлашган. Бу маскан одамларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, оилаларнинг тинчлиги, ўзаро аҳиллиги билан эътибор қозонган. Куни кеча ҳомийларнинг ёрдами билан маҳалла аҳлининг бир гуруҳи Самарқанд, Бухоро, Марғилон шаҳарларини зиёрат қилиб қайтишди. Зангиота, Ҳастимом мажмуаларига тез-тез бориб туришади.

— Шу аснода одамларнинг ўзаро тотувлиги кучаяди, — дейди маҳалла оқсоқоли Абдуғофир ҳожи Бадалов. — Маҳалланинг ишларини ҳам маслаҳатлашамиз. Кўпнинг боши бирикса бўлди, ҳар қандай юмуш осон битади. Айниқса, бу ердаги 60 нафарга яқин ЎзХДП аъзолари жуда фаол кишилар. Кўпгина ташаббуслар улардан чиқади...

Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгаши ва ушбу маҳаллалардаги бошланғич партия ташкилотлари ташаббуси билан ана шу иноқ икки маҳалла аҳли учун мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган катта байрам тадбири уюштирилди. Сўзга чиққанлар истиқлол берган неъматлар тўғрисида алоҳида тўхталдилар. Ўтган 16 йил давомида юртимизда ҳақиқий тараққиёт, одил фуқаролик жамияти сари муҳим қадамлар қўйилганини таъкидладилар. Баъзи кам таъминланган оилаларга туман партия кенгашининг совғалари топширилди.

Кўп миллатли ушбу ҳудудда уюштирилган байрам тадбирида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Сулаймонова ижро этган қўшиқлар авжида маҳаллалар аҳли диллари яйраб рақс тушдилар, дилдан Ватан мадҳини куйладилар.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП туман кенгашларида

НОГИРОНЛАР ЎРТАСИДА МУСОБАҚА

Мамлакатимизда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, кўмакка муҳтож кишилар, ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Айниқса, «Ижтимоий ҳимоя йили»да улар ҳолидан хабар олиш, меҳр-мурувват кўрсатиш ишлари янада кучайди. ЎзХДП Дастурида ҳам бу масалалар устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳомийлигида пневматик ўқ отиш мусобақаси ўтказилди. Унда туманда истиқомат қилувчи ногиронлар иштирок этди.

— Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ногиронлар ўртасида бундай тадбирларни доимий равишда ўтказиб келаяпмиз, — дейди ХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси Алишер Маматмуродов. — Бу уларни соғломлаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, ўзаро фикрлашиш, жамиятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида суҳбатлашиш имкони ҳам туғилади. Шу жараёнда партиямиз илгари сураётган ғояларни уларга чуқурроқ тушунтирамиз.

— Кўрсатилган эътибор, ҳурматдан жуда хурсандмиз, — дейди I-гуруҳ ногирони Чори бобо Панжиев. — Доимий эътиборда эканимизни яна бир бор чуқур ҳис этдим. Сиҳатгоҳга берилган йўлланма эса нур устига нур бўлди.

Тадбир сўнггида мусобақа ғолиблари ва иштирокчиларига туман партия кенгашининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 4 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1042,74
1 Англия фунт стерлинги	2558,49
1 Дания кронаси	233,28
1 БАА дирхами	346,49
1 АҚШ доллари	1272,54
1 Миср фунти	225,20
1 Исландия кронаси	19,87
1 Канада доллари	1202,85
1 Хитой юани	168,49
1 Малайзия рингити	364,09
1 Польша злотийси	453,86
1 СДР	1948,95
1 Туркия лираси	965,26
1 Швейцария франки	1059,06
1 ЕВРО	1736,10
10 Жанубий Корея вони	13,54
10 Япония иенаси	110,10
1 Россия рубли	49,51
1 Украина гривнаси	251,99

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ПАХТА: ЭКСПОРТ — ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ТОШКЕНТДА ШУ ЙИЛ 10-12 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН III ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ҲАМДА IV ПАХТАЧИЛИК ВА ТЎҚИМАЧИЛИК ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Истиқлол йилларининг илк кезлариданоқ мамлакатимизда пахтани нафақат етиштириш, балки уни қайта ишлаш ва экспорт қилишга алоҳида эътибор берилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан тармоқда қайта ишлаш корхоналари қуришга киришилди. Тўқимачилик корхоналари модернизация қилинди ва янги-янгилари барпо этилди. Зеро, мустабидлик йилларидагидек пахтани фақат хомашё тарзида сотишдан кўра уни қайта ишлаб сотиш мамлакат иқтисодиётига катта самара бериши — жаҳон давлатлари тажрибасидан маълум.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган пахта толасини сертификатлаш «Сифат» маркази ва унинг жойлардаги ҳудудий лабораториялари пахта тозалаш корхоналари ишлаб чиқарган тола ҳамда момиқларга сифат сертификати бериш билан бирга, уларнинг товар — хомашё биржаларидаги қийматини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратиб келаяпти.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси бирлашмаларидан тола сотиб олиш, сертификатлаш, сақлаш, суғурталаш ва экспорт қилиш каби жараёнларнинг қулай, афзал механизмлари йўлга қўйилди. Бунда жойлардаги пахта терминаллари хомашёни харидорга етказишда катта роль ўйнаяпти. Улар ташқи савдо компанияларига пахта толаси сотиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бу эса мамлакатда экспорт ҳажми ортишида ва харид қилувчи чет эл компаниялари кўпайишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, пахта толасининг «учинчи қўл»дан олинишига чек қўйилди. Яъни, маҳсулотимиз харидорлари бугунги кунда пахта етказиб берувчилар билан тўғридан тўғри алоқа ўрнатмоқдалар. Россия, Хитой, Бангладеш, Эрон, Вьетнам, Корея Республикаси каби давлатларга экспорт ҳажми йил сайин ошиб бораётгани айни шундай йўл самарасидир.

2005 йилнинг 10-11 октябрь кунларини эсланг: Пойтахтимизда ҳукуматимиз томонидан Пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси ва мазкур соҳанинг нуфузли нашрларидан бири — «Cotton Outlook» журнали ҳамкорлигида Ўзбекистон биринчи Халқаро ярмаркаси ташкил этилди. Унда дунёнинг 25 дан зиёд давлатларидан 200 дан ортиқроқ компания ва корпорациялар вакиллари иштирок этди.

Ўтган 2006 йилнинг 17-18 октябрь кунларида эса Ўзбекистон иккинчи Халқаро пахта ярмаркаси бўлиб ўтди. Ҳар икки йилда ҳам ярмарка кунлари Тошкент жаҳон пахта савдосининг йирик марказига айланди.

Бу йил 10-12 сентябрь кунлари ўтказиладиган Ўзбекистон учинчи Халқаро пахта ярмаркаси ҳам анъанага кўра янада гавжум ва самарали бўлиши кутилаяпти. Жумладан, кўплаб давлатларнинг пахтачилик ва тўқимачилик саноати вакиллари билан тўғридан- тўғри савдолашиш ҳамда узоқ муддатли шартномалар тузиш режалари белгиланган. Ярмарка ташкилотчилари жаҳон пахта трейдерларини пахта толасини ишлаб чиқариш, сотиш ва логистика соҳасидаги сифат кўрсаткичлари ҳамда энг сўнгги янгиликлар билан таништиришни кўзлаб турибдилар. Шунингдек, ярмарка давомида Ўзбекистон пахтасининг экспорт қилувчилар ва истеъмолчилари ўртасида икки томонлама музокаралар олиб боришлари учун давра суҳбати ташкил этилади. Меҳмонларга пахта сотиш бўйича республикамиз товар-хомашё биржасининг савдо сессияси ишида иштирок этиш имкони берилади. Унда ўзбек пахтасини харид қилиш борасида шартномалар имзоланишидан ташқари — етиштирилган хомашёни қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнлардаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама қилинади.

Яна бир гап: жаҳон пахтачилик (индустрияси) саноатида ўрнатилган анъаналардан бири — Тошкентда ҳар икки йилда бир марта Халқаро пахтачилик ва тўқимачилик конференцияси ўтказилишига келишиб олинган. Ёдингизда бўлса, бундай конференциялар 2000, 2002 ва 2005 йилларда ўтказилган. Ҳар йили уюштирилаётган ўзбек пахтаси Халқаро ярмаркаси иштирокчилари ва жаҳон пахтачилик индустрияси вакилларининг хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда ярмарка кунлари IV Халқаро пахтачилик ва тўқимачилик конференциясини ҳам ўтказишга қарор қилинган.

Конференция доирасида жаҳон пахта бозоридаги ривожланиш истиқболлари ва мавжуд муаммолар ечими тўғрисида фикр алмашувлар, шунингдек, жаҳон пахтачилиги ва тўқимачилик саноатидаги турли мавзулар юзасидан етакчи халқаро экспертларининг маърузалари ҳам режалаштирилган. Масалан: Жаҳон пахта бозори: талаб ва таклифлар, нарх ҳамда таъсир этувчи омиллар; Ўзбекистонда пахта етиштириш истиқболлари ва маркетинг жараёни; рақобатбардош пахта толаси ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари; Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати ривожида инвестиция (сармоя) муҳити ҳамда чет эллик инвестор (сармоядор)ларнинг иштироки ва ҳоказо, ҳоказо.

Ярмарка ва конференция иштирокчилари ўз навбатида ўша кунлари ташкил этиладиган мамлакатимизнинг селекция навлари кўргазмаси билан ҳам танишадилар. Зеро, сўнгги йилларда селекционер олимларимиз яратаётган тезпишар, серҳосил, толаси сифати юқори, касалликларга чидамли, ҳудудий тупроқ ва иқлим шароитларига мос навлар жаҳон пахтачилик мутахассислари эътирофига сазовор бўлмоқда. Чунончи, «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Наманган-77» «С-6524», «Оқдарё-6», «АН-Боёвут-2» каби 20 дан зиёд селекция навлари давлат реестридан ўрин олган. «Бухоро-6» навининг Ливерпуль пахта биржаси олтин медали билан тақдирлангани ва унинг толаси жаҳон бозорида халқаро эталон сифатида қабул қилинганлигининг ўзиёқ — ўзбек пахтасининг дунё миқёсида эъзоз ҳамда эътироф топганидан ёрқин далолат.

Мавриди келганда, ўтган йилги Ўзбекистон иккинчи Халқаро пахта ярмаркасининг фаол иштирокчиларидан бири — Бангладешдаги «Iynx international» компанияси вакили Ифтихор Ҳуссейннинг ўша кунлари берган интервьюсини келтириб ўтиш жоиз: «Компаниямиз асосан пахта импорти ва экспорти билан шуғулланади, — деган эди у. — Шу пайтгача биз ҳам ўзбек пахтасини «учинчи қўл»дан сотиб олар эдик. Бу муайян қийинчилигу ортиқча сарф-харажатларни келтириб чиқарар эди. Ўзининг сифати билан жаҳонга машҳур ўзбек пахтасининг бизда қадри жуда баланд...

Анъанавий тус олаётган мазкур ярмарка мамлакатингизнинг экспорт имкониятларини янада кенгайтириб, янгидан-янги алоқаларни қарор топтириш, кўплаб битимлар тузишда катта аҳамият касб этиши, табиий. Бизнинг мақсадимиз — ярмаркада фаол иштирок этиб, ўзимиз учун янги шериклар топиш, улар билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш...

Ярмарка ўзбек пахтасининг сифатига оид хусусиятлар, уни етиштириш, сотиш ва логистика соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан танишиш имконини беради. Унинг доирасида Ўзбекистоннинг пахта етиштириш ва қайта ишлаш соҳаси ривожи билан ҳам яқиндан танишамиз...»

●●●

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон III Халқаро пахта ярмаркаси ва IV пахтачилик ва тўқимачилик Халқаро конференцияси мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ва пахта толаси экспортида жуда катта иқтисодий устуворликка эга бўлиб, пировардида, халқ хўжалиги тараққиёти ҳамда аҳоли турмуш тарзи фаровонлигига куч-қувват бериши, шубҳасиз. Айни чоғда, мазкур тадбирлар — мустақил республикамизнинг хориж билан алоқасини, хусусан чет эл турдош компаниялари, фирмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳамда улар ўртасида ўзаро манфаатдорликнинг кучайишини таъминлашга хизмат қилади.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОҒДА ЎТГАН ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзуидаги маърузасида мамлакатимизда миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!» мавзуида ўтказилган дўстлик кечасида шу ҳақда сўз борди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, юртимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари ва дипломатик корпус, миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборининг янада мустаҳкамланиши йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларда юртимиздаги мустаҳкам қарор топган тинч ва осуда ҳаёт, бағрикенглик ва аҳиллик муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилаётир. Юртимизда барча миллат вакилларининг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, урф-одатлари, анъаналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Марказ томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!» мавзуида дўстлик фестиваллари, ижодий анжуманлар, сайллар, мусиқий кечалар, бахши ва оқинлар айтишувлари, бадиий ва фотокўргазмалар ташкил этилди.

Бобур номидаги боғда ўтган кечада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказларининг бадиий жамоалари ўз мусиқий дастурларини намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА)
олган сурат

☑ **Қарор ва ижро**

ЧАКАНА САВДО ТАРТИБГА ОЛИНМОҚДА

НАҚД ПУЛ ТУШУМИ ИЖРОСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

Республикамиз Президентининг шу йил 16 мартдаги «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, туман ҳокимлиги ҳузурида махсус ишчи комиссия ташкил этилди. Ишчи комиссия томонидан туман ҳудудида фаолият юритаётган савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳамкорлигида қатор семинар йиғилишлар ўтказилди. Шунингдек, комиссия туман прокуратураси, туман ДСИ ходимлари ҳамда ўзини-ўзи бошқарув органлари ходимлари билан биргаликда тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда аҳоли гавжум жойларда учрашувлар ўтказишни ташкиллаштирди.

Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда туманда фаолият юритаётган юридик шахс мақомига эга 38 та савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларига ҳамда алоҳида назорат касса машиналари билан жиҳозланган, савдо залига эга хўжалик юритувчи субъектларга алокоголь маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи янги тартибдаги рухсат гувоҳномалари берилди. Шундан 23 таси хўжалик юритувчи субъект чакана савдо фаолияти билан, 15 таси умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланади. 2007 йил 15 август ҳолатига кўра улардан 13 та шахобчага берилган янги тартибдаги рухсат гувоҳномаларининг амал қилиш муддати тугаганлиги ва нақд пул топшириғини бажармаганлиги сабабли гувоҳномалари бекор қилинди. Бугунги кунда 25 та хўжалик юритувчи субъект шохобчаларига қарор талаблари асосида (белгиланган янги рухсат гувоҳномалари олган ҳолда) алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилишга рухсат берилган.

Комиссия томонидан ҳар бир шохобчага ойлик нақд пул топшириғи белгиланган бўлиб, унинг бажарилиши қатъий назоратга олинган. Жумладан, шу йилнинг июль ойи учун комиссия томонидан алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар шохобчаларига 38000,0 минг сўм нақд пул топшириғи режалаштирилган бўлса, у амалда 25935,8 минг сўм қилиб бажарилди. Белгиланган нақд пул топшириғини бажармаган субъектларда ДСИ ходимлари хронометраж (мониторинг) ўтказиб, бажармаганлиги сабабларини таҳлил қилишди ва натижалар бўйича туман ҳокимияти қошидаги комиссияга 14 та шохобчага нисбатан тақдимномалар киритилди.

Айни пайтда қарор ижроси йўлида алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилиш учун янги тартибдаги рухсат гувоҳномаси олган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширувлар натижасида шу йилнинг 15 августига қадар 5 та ҳолатда қарор талаблари бузилиши ҳоллари аниқланиб, улар юзасидан белгиланган тартибда тегишли ҳужатлар расмийлаштирилди ва ҳуқуқбузарлардан алкоголь маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Шундан сўнг ҳуқуқбузарларга нисбатан 14829,0 минг сўм молиявий жарима қўллаш юзасидан Тошкент вилояти хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этилди. 1 та ҳолат юзасидан Хўжалик суди даъво аризасини қаноатлантирди. Яна бир ҳолат юзасидан эса тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги «Солиқ ва валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш» Департаменти Янгийўл туман бўлимига қонуний чора кўриш учун юборилди.

Айни чоғда инспекциямиз ходимлари қарор талабларига кўра тасдиқланган алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш қоидаларини бузганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда молиявий жарима солиниши ҳамда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари ҳам олиб бормоқда.

Исмоилхўжа САИДКАМОЛОВ,
Янгийўл тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

БИР ҲАФТАДАН СЎНГ...



Бир ҳафта муқаддам Япония қишлоқ хўжалиги вазири этиб тайинланган Такэхико Эндо истеъфога кетишини билдирди. Ўтган якшанба куни унинг ҳукумат бошлиғи Синдзо Абэ билан учрашувидан сўнг шундай қарор қабул қилинган. Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, Эндо истеъфосига унга нисбатан билдирилган порахўрлик билан боғлиқ айблов сабаб бўлган. У муқаддам фермерлик хўжаликлари уюшмасига бошчилик қилган чоғда давлат субсидиялари тақсимотига алоқадор бўлган. Эндо вазир лавозимига тайинланиши биланоқ унинг порахўрликда гумон қилинаётганлиги тўғрисидаги гап-сўзлар пайдо бўлган.

Японияда вужудга келган сиёсий вазиятда, яъни парламентда Синдзо Абэнинг сиёсий оппонентлари кўпчиликни ташкил этганлиги боис бош вазир порахўрлик жанжалини тезда бости-бости қилиш учун Эндонинг бахридан ўтишга қарор қилди. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг май ойида қишлоқ хўжалиги вазири Тосикатцу Матцуока ҳам порахўрлик машмашаси гирдобига тушиб қолиб, ўзини осиб қўйганди.

БАНГЛАДЕШДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Бангладеш пойтахтида Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида жорий йилнинг 25 август куни рўй берган қатор террорчилик хуружларига дахлдор, асосий гумондорлардан бири қўлга олинди. Ҳибсга олинган 32 ёшдаги Абу Ҳамза, у Асиф лақаби билан ҳам ном чиқарган, Бангладешда ўрнашиб олган «Ҳаракат-ул-Жиҳод-ал-Исломий» террорчилик гуруҳи етакчиси Абдул Шаҳиднинг яқин сафдошларидан саналади. Маълумки, 25 август куни Ҳайдарободда бир неча дақиқа оралиқда иккита портлаш рўй берганлиги натижасида 44 киши ҳалок бўлган эди. Биринчи бомба одамлар кўп тўпланадиган Оймомо боғида, иккинчиси эса унинг яқинидаги емакхонада портлаган. Кейинчалик полиция портламай қолган яна тўртта бомбани топган, шулардан иккитаси кинотеатрларда қолдирилган экан. Абу Ҳамза, шунингдек, жорий йил май ойида Ҳайдаробод масжидидаги портлашни тайёрлашда ҳам гумон қилинмоқда. Полиция муқаддам қўлга олинган жангаридан бирининг кўрсатмаси туфайли Ҳамзанинг изига тушишга муваффақ бўлганди. Терговчилар фикрича, Ҳайдарободдаги террорчилик ҳуружлари шаҳарда динлараро низони кучайтиришга қаратилган, бу ердаги аҳолининг 40 фоизи мусулмонлардан иборат.

ЖАРЛИККА ҚУЛАДИ

Словакияда йирик автоҳалокат рўй берган. Мамлакат марказидаги Гринев аҳоли маскани яқинида 40 дан ортиқ йўловчини олиб кетаётган автобус йўл транспорт ҳодисасига учраган. Камида 6 киши ўлган, 10 киши турли даражада жароҳат олган. Фольклор фестивали қатнашчилари кетаётган автобуснинг техник носозлиги фожиага олиб келган. Экспертлар хулосасига кўра, автобус тормози ишламай қолган. Ҳалокат автобус баландликка чиққанидан сўнг тоғдан пастга қараб тушаётган чоғда рўй берган. Ҳайдовчи кескин бурилишда бошқарувни уддалай олмаган, автобус хавфсизлик тўсиғини бузиб 50 метрлик баландликдан жарликка қулаган.

БЕШИНЧИ ТОИФА БЕРИЛДИ



«Феликс» довулига Саффир-Симпсон беш баллик шкаласи бўйича юқори тоифа берилди. Довул марказидаги шамолнинг тезлиги соатига 249 километрдан ошган, бу олий, бешинчи тоифага тўғри келади. У Кариб денгизидаги сайёҳларнинг севимли маскани — Антиль ороллари ёнидан ўтган. Метереологларнинг ҳисоб-китоблари бўйича довул Кариб денгизи устидан ўтаётган чоғда куч тўплаб Никарагуанинг шимолий соҳилларига етиб боради. Чоршанба куни эрталаб «Феликс»нинг Белизга етиб бориши кутилмоқда. Марказий Американинг айнан шу мамлакати довулдан катта зарар кўриши мумкин.

«ВАҚТИНГНИ БЕҲУДА ЎТКАЗМА»



Куба раҳбари Фидель Кастро Венесуэла президенти Уго Чавесга кексайишга қадар кўп нарсага улгуришни тавсия этди. Кастронинг Чавесга йўллаган мактубида ана шундай маслаҳат бор. «Вақт келадики, — деб ёзади 81 ёшга тўлган Кастро ўзининг венесуэлалик ҳамкасбига, — кўп вақтни ўзингга ажратишни истаб қоласан. Шундай экан ўз вақтида кўпроқ нарсани бажаришга улгуриш лозим». Чавеснинг сўзларига кўра, Кастронинг хати «унга куч-қувват бағишлаган, ўзига ишончни янада мустаҳкамлаган».

Жаҳон оммавий ахборот воситалари манбалари асосида Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади.

☑ **Иқтисодиёт ва ислоҳот**

ҲАР БИР МИЖОЗ ЭЪТИБОРДА

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК»НИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ КЎРСАТАЁТГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИНГ СИФАТЛИЛИГИ, ТЕЗКОРЛИГИ ВА ИМТИЁЗЛИЛИГИ САБАБЛИ ЎЗ МИЖОЗЛАР СОНИ ОШИБ БОРМОҚДА

Рақамлар — аниқ сўзлайди. Буни шу йилнинг 1 август ҳолатига банк мижозлари сони қарийб 9500 нафарга етганидан ҳам англаш мумкин. Банк бўлими томонидан республикамиз иқтисодиётида стратегик аҳамиятга молик корпоратив мижозлар — Навоий тоғ металлургия комбинати ва унинг бўлинмалари, «Қизилқумцемент» ОАЖ ва «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик саноат корхоналарига хизмат кўрсатмоқда. У даромад кўрсаткичлари бўйича «Ўзмиллийбанк» тизимида вилоятлар бўлимлари ичида энг юқори ўринни эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, банк бўлимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган долзарб ва устувор йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришга асосий эътибор қаратилмоқда. У билан доимий ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган «Шамс Навоий» фирмаси, «Бахт Текстил», «Риком», «Навоий ФСК» масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа кўплаб фирмаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк ўз маблағлари ҳисобидан мижозларга жами 5 млрд. 581,8 млн. сўмлик, шундан кичик бизнес субъектларига 1 млрд. 497,2 млн. сўмлик кредитлар ажратди.

Пахта толасини қайта ишлаш ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган «ВАНТ TEXTILE» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонага банк бўлими ва меҳнат бандлиги маблағи ҳисобидан «Пахта толасидан калава ип ишлаб чиқариш» лойиҳаси учун 420.0 млн. сўмлик кредит ажратилди. Мазкур лойиҳага кўра, бир йилда 22550,0 тонна калава ип ишлаб чиқарилади. Шундан 18 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинади.

«Қизилқумцемент» ОАЖда эса цементни қадоқлашни ташкил этиш бўйича 3 млрд. 300,0 млн. сўм қийматидаги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. «Миллерс» (Германия) компаниясининг ускуналари олиб келинди. Мазкур лойиҳа рўёбга чиққач, цементни қадоқлаш йиллик ҳажми 500 млн. қопга етказилади ва чет эл валютаси тушумини янада кўпайтиришга имкон туғилади.

Маркетинг жараёни Навоий вилояти ва унга яқин ҳудудларда шифер ишлаб чиқариш мавжуд эмаслигини кўрсатди. Бундай қурилиш материалига юридик ва жисмоний шахслар томонидан талаб юқорилигини ҳисобга олган «RIKOM» МЧЖ ўз маблағи ҳисобидан Хитойнинг шифер ишлаб чиқариш линиясини олиб келди. Мазкур лойиҳани амалга оширишга кўмаклашиш учун банк бўлими томонидан шифер ишлаб чиқариш цехини тўлиқ реконструкция қилиш учун 50,0 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Ҳозир қурилиш-монтаж ишлари тугалланиб, сентябрь ойидан бошлаб шифер ишлаб чиқариш мўлжалланган. 1750x1350 мм. ўлчамдаги шиферни йилига 200 минг дона ишлаб чиқариш режалаштирилган. Жамиятда 20 киши ишлайди, лойиҳани йўлга қўйиш эвазига 30 та янги ишчи ўрни очилган.

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан уй-жойлар қурилиши билан шуғулланувчи «Навоий ФСК» масъулияти чекланган жамияти Навоий шаҳар 10-Кичик туманидаги 51-уй қурилишини тендер асосида сотиб олган. 565,9 млн. сўмлик «Турар жой қурилишини ташкил қилиш лойиҳаси» учун банк томонидан 50,0 млн. сўм маблағ ажратилди. Лойиҳанинг амалга оширилиши билан 87 та оила турар жойли бўлади, 192 киши эса иш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича ёш оилаларга 48,0 млн. сўм ипотека кредитлари ва 54,2 млн. сўм истеъмол кредитлари ажратилди.

Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маиший техника воситаларини сотиб олиш учун 324,9 млн. сўм истеъмол кредитлари ва пластик карточкалар асосида 58,8 млн. сўм овердрафт кредитлари ажратилди.

Вилоят аҳолисини қишда ҳам сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида иссиқхоналарни қуриш қиймати 800 млн. сўмга тенг бўлган 13 та лойиҳани молиялаш учун банк томонидан 458,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Пул муомаласини ташкил қилиш ва миллий валютамиз — сўмнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида мижозларнинг иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда почта алоқа тармоқлари орқали етказиладиган пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида берилмоқда.

Нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, мижозларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз таъминлаш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда.

Навоий шаҳридаги Тоғ металлургия комбинати ҳудудида ташкил этилган минибанк иш ҳақи лойиҳаси бўйича хизмат қилиб, 964 нафар мижоз билан ишламоқда. «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудидаги минибанк эса иш ҳақи лойиҳаси бўйича хизмат кўрсатиб, 9000 нафар мижозга эга. Шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, терминаллар орқали хизмат кўрсатувчи корхоналарни кўпайтириш, банкоматлар тармоғини кенгайтириш, янги маҳсулот ва хизматларни жорий этиш йўли билан пластик карточка эгаларининг сонини купайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Банк ходимлари пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш тизимининг моҳияти ва унинг қулайликлари тўғрисида тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тармоқларини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда, савдо тармоқларида ўрнатилган терминалларнинг қонуний ишлатилиши бўйича мониторинг қилинмоқда.

Йирик корхоналар билан пластик карточкалар орқали иш ҳақи тўловларини амалга ошириш лойиҳаси шартномалари тузилган. Корхоналарнинг ишчи-хизматчилари ўртасида банкнинг янги маҳсулотлари, яъни овердрафт карточкалари ва узоқ муддатли тўловлар тўғрисида тарғибот ишлари амалга оширилиб, сўровномалар ўтказилмоқда. Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини кенгайтириш бўйича аҳоли, ташкилотлар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими кенг жорий этилишининг афзаллик ва қулайликларини тушунтириш борасида ҳам тадбирлар ўтказилмоқда, оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар бериб борилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилади. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида оммавий ва якка тартибда тушунтириш ишлари олиб борилиб, омонатларнинг қулайликлари тўғрисида маълумотлар берилмоқда. Айни пайтда омонатчилар сони 85078 кишини ташкил қилмоқда. Юқорида кўрсатилган омонатларга 1500 АҚШ доллари миқдорида хорижий валютадаги ва 17 млрд. 200 млн. сўм миллий валютадаги омонатлар жалб қилинган.

Бўлим томонидан тезкор пул ўтказмалари амалиётлари ҳам мавжуд. «Азия Экспресс», «Вестерн Юнион», «Контакт», «Мига» тизимлари орқали мижозларга тезкор хизматлар кўрсатилмоқда.

Банк жамоаси қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, мижозлар фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шериклар билан аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб бориш, бизнес режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш борасида уларга зарур маслаҳатлар берилмоқда, сифатли хизматлар кўрсатилаётир. «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг дастлабки кунларидан бошлабоқ янги минибанклар очиш орқали банк хизматини бевосита қишлоққа олиб кириш, уларда амалий семинар-кенгашлар ўтказиш, консалтинг хизматлари кўрсатиш тадбирлари қизғин давом эттирилди. Бундан кўриниб турибдики, банк бўлимининг ютуқлари салмоқли. Ходимлар нияти муваффақиятларни янада кўпайтириб боришдан иборат.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

МАРҒИЛОН МЕҲРИ

ДУНЁНИ ЎЗИГА ОҲАНРАБОДАЙ ТОРТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Юбилей шарофати билан буюк аждодимиз, момомиз Жаҳон Отин Увайсий мақбаралари, хонадонлари обод гўшага айлантирилди, — дейди шоиранинг авлодларидан бўлмиш Тоҳиржон Маҳмудов. — Шу ердаги қабрлар таъмирланаётганда... ерга кўмилган ўн қоп китоб топилди! Узоқ йиллар ер тагида, нам тупроқда ётган китоблар чириб кетибди. Уларни олишаётганида китоблар уқаланиб, тўкилди... Не ажабки, Бедил ғазаллари тўплами, Қуръони Карим тафсири бутунича сақланиб қолибди!..

Албатта, ислом зиёсига қарши қақшатгич курашилган шўро даврларида кимдир бу китобларни асраб қолиш учун вақтинча ерга кўмган. Кейин эса уларни сақлаш учун бошқа жойга элтишга қандайдир сабабларга кўра улгурмаган...

Ҳа, яқин ўтмишимиз, кечаги кунимиз бу... Хайриятки юрт осмонида истиқлол қуёши порлагач, шоирлар, орифлар ватани ҳисобланмиш бу кўҳна шаҳар ҳам камолга юз тутди. Шаҳар уйқудан турган товус янглиғ қанотларини ёзиб, ҳуснмалоҳатини яна намойиш этди. Ўз муборак тўйи арафасида турган шаҳар кўчаларини кезсангиз, унинг нақадар гўзал қиёфага кирганлигига гувоҳ бўласиз...

Каптарли мозор бугун ўз қучоғига ташриф буюрган кишини гўзал, улуғвор манзара ила кутиб олади. Пир Сиддиқ мажмуаси, Бурҳониддин Марғиноний чиллахонаси, бошқа қатор обидалар кўз ўнгимизда муҳташам Самарқанднинг кўҳна, лекин кўзни қамаштирувчи гўзаллик уфуриб турадиган бинолари янглиғ намоён бўлади. Ҳозирги пайтда 1,5 гектардан ортиқ майдондаги мажмуа асл ҳолига қайтди. Бу кўркам масканда улкан жоме масжиди, зиёратхона барпо этилди... Қизиғи шундаки, бу мажмуада каптарлар макон тутишган. Уларнинг қачон, қай замонларда бу ерда тўпланишганлигини ҳеч ким билмайди. Мана юз йилларки, ушбу мажмуага кирган киши улуғвор миноралар, нилий қуббалар узра парвоз қилаётган юзлаб каптарларни кўриб лол қолади. Мажмуада ўтказилган таъмирлаш йиллари ҳам кабутарлар бу ерни тарк этишмабди. Эҳтимол, ўша — Марғилон меҳри деб аталмиш суюк ва буюк туйғу шу қушларнинг ҳам қалбини забт этгани боисдир бу ҳол...

Фарғона тарихининг билимдони, этнограф олим А.Г.Писарчик Машад мозор ёки Чакка мозор деб юритиладиган қабристонни Марғилондаги энг қадимий қабристон деб таърифлайди. Илмий-тарихий манбаларда таъкидланишича, бу ерга ўрта асрларда яшаб ўтган атоқли олим Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ ал-Марғилоний дафн этилган. Бу кўҳна мажмуада бухоролик қўлигул усталар таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб боришди.

XIX асрнинг 70-йиллари ўрталарида, Фарғона водийсига илмий сафарга келган рус олими А.Федченко Марғилонни ҳам зиёрат қилган ва уни «глинянний город», яъни гувалак уйлардан қурилган шаҳар деб атаган эди. Зеро, ўша замонларда ҳатто шаҳар ҳам асосан кичик-кичик гувалак деворли уйлар, тор, қинғир-қийшиқ, қишда тизза бўйи лой, ёзда эса худди шундай қатламдаги тупроқ билан қопланган кўчалардан иборат эди. Кейинги юз йилликларда ҳам Марғилон қиёфаси деярли ўзгармади, ўша тор кўчалар, пастак-пастак уйлар сақланиб қолди...

Шаҳарнинг 2000 йиллик тўйига тайёргарлик жараёнида Марғилон ҳам энига, ҳам бўйига ўсди. 35 та объектда қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугунги ўзгараётган, лекин кўҳна шаҳар кўчаларини кезар экансиз бу тупроққа улуғ зотлар Бобуру Машраб қадами теккани, бу шаҳар ўз даврида Муқимий, Фурқат, Рожий Марғиноний каби ўнлаб қалам аҳлларига илҳом берганлигини, ислом ҳуқуқ оламининг етакчиси, фиқҳ илмининг тенгсиз алломаси Бурҳониддин Марғиноний шу шаҳарда таҳсил олиб, камолга етганлигини эслаб ҳаяжонга тушасан киши.

Ҳа, Марғилон чиндан-да бошқача, гўзал шукуҳли шаҳарга айланди. Умумий ер майдони 90 минг квадрат метрдан иборат Ёшлар хиёбони, Марказий Осиёдаги ягона, баландлиги 15, узунлиги 60 метрли электропаннога эга 1400 ўринли амфитеатр, болалар атракционлари...

Маънавият тарғиботи маркази шаҳар бўлимидаги мутасаддиларнинг бизга айтишларича, улар томонидан Интернетда махсус сайт тайёрланган. Сайтга Марғилон шаҳри тарихи ва бугунги куни ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар, кўплаб фото суратлар киритилган.

Ҳар қанча гапирмайлик, Марғилонниг бугунги жамоли, ҳусн-тароватини таърифлашга ожизлик қиламиз...

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Маълумки, шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида, турли идора, ташкилот ва ўқув юртларида энг улуғ байрамимиз — Мустақиллик кунига бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда. Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида ҳам ҳарбий ва божхоначи қасамёдини қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тантанада қўмита раҳбарияти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, божхона хизмати фахрийлари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Давлат божхона қўмитаси раиси С.Носиров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов ва бошқалар йиғилганларни энг азиз ва энг улуғ байрам — Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, республикамизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган улкан ютуқлар ва уларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтишди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Юртбошимиз божхона органларига кадрларни тайёрлаш ишлари самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам қатор вазифаларни белгилаб берган эдилар.

Ўтган давр мобайнида Олий ҳарбий божхона институтида бу борада кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, институт фаолиятини тубдан яхшилаш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг сифатини янада ошириш, ўқув жараёнига ўқитишнинг янги, илғор усулларини, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, республикамиз ва хорижий давлатларнинг турдош олий ўқув юртлари тажрибасини ўрганиш, улар билан амалий ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ иш юритилмоқда.

Бу йил Олий ҳарбий божхона институтига 127 нафар ёш йигит-қиз тингловчилар сафига қабул қилинди. Институтда уларнинг чуқур билим олиши, замонавий ахборот технологиялари ва техника воситаларидан унумли фойдалана билишлари ва хорижий тилларни мукаммал ўрганишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

— Ўғлим Муроджон ёшлигидан божхоначи бўлиб, юртимизнинг иқтисодий хавфсизлигини муҳофаза қилишни ният қилиб юрарди, — дейди бекободлик Насиба Бобоева. — Мен унинг орзуси ушалиб, Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кирганидан ва бугун қасамёд қабул қилганлигидан беҳад бахтиёрман.

Тантанали маросим сўнггида Олий ҳарбий божхона институти қошида ташкил этилган «Ўзбегим ёшлари» ансамблининг концерт дастури ҳамда таниқли санъаткорларнинг чиқишлари иштирокчиларга байрамона кайфият бағишлади.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Тадбир

«ЯНГИ ШАҲАР» МАҲАЛЛАСИДА...

Истиқлолнинг қутлуғ 16 йиллик тантаналари юртимизнинг ҳар бир гўшасида давом этмоқда. Жумладан, ана шундай тадбирлардан бири яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Янги шаҳар» маҳалласида ҳам бўлди. Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган «Истиқлолим — ғурурим, ифтихорим» мавзуидаги тадбирга жамоатчилик вакиллари, кам таъминланган, эътибор ва ғамхўрликка муҳтож оилалар аъзолари, фахрийлар таклиф этилди.

Бир пиёла чой устида ўтган байрам тадбирида иштирокчилар мустақиллик даврида юртимизда эришилган ютуқлар ва уларни амалга оширишда халқимизнинг азму шижоати, бунёдкорлик салоҳияти хусусида сўз юритдилар, келгуси режалар ҳақида фикр билдирдилар.

Муҳаммад АЛИ, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, ёзувчи:

— Бу йилги истиқлол тантаналари ҳар йилгидан-да юксак байрамона руҳда ўтмоқда. Чунки куни кеча юртимиз нуфузли анжуманларга мезбонлик қилган, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашдек шарафга эришган бўлса, бугун истиқлол айёми бизга пешвоз. Бу ҳам юртимиздаги тинчликдан, яратувчан халқимизнинг эзгу орзу-мақсадлари рўёбга чиқаётганидан далолат.

— Маҳалламизда асосий эътибор чиқимдор маросимларни ихчамлаштириб, унинг ўрнига кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда, — **дейди «Янги шаҳар» фуқаролар йиғини раиси Рихсивой ОРИПОВ.** — Натижада шу йилнинг ўзида 25 та хонадонга канализация тармоғи ўтказилиб, 4 млн. сўмлик иш бажарилди. Ёрдамга муҳтож оилаларга маҳалламиздаги саховатли кишилар томонидан 3,5 млн. сўмлик моддий кўмаклар кўрсатилди. Энг муҳими, булар ҳаммаси эмас. «Ижтимоий ҳимоя йили»да бундай савобли амалларимиз кўп.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР ТАРҒИБОТИ

Пойтахтимизда «Тарихий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш» мавзуига бағишланган биринчи ўзбек-немис Ёзги академияси иш бошлади. Мазкур тадбир Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Германия академик алмашинувлар хизмати (ДААД), Потсдам ихтисослашган институти ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, у шу йилнинг 21 сентябригача Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилади.

Ёзги академияда Потсдам ихтисослашган институтидан 8 нафар профессор-ўқитувчи, 10 нафар талаба, Тошкент ҳамда Самарқанд архитектура-қурилиш институтларидан эса 50 нафардан ортиқ олим, аспирант, магистрант ва бакалаврлар иштирок этишмоқда.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиздаги обидаларнинг қурилиш тарихини ўрганиш, иштирокчиларни меъморчилик, шаҳарсозлик, ноёб биноларни сақлаш бўйича халқаро тажриба ва лойиҳалар билан таништиришдан иборат. Бу ҳақдаги маълумотлар ўзбекистонлик ва германиялик мутахассислар маърузаларида мужассамлашган бўлиб, тадбир давомида уюштириладиган экскурсия ва машғулотларда мустаҳкамлаб борилади. Шунингдек, анжуман давомида Германиядаги ислом архитектураси ва тарихий обидаларни қайта тиклаш, консервация қилиш ишлари тажрибаси ҳақида маърузалар бўлиши кўзда тутилган.

Маъмуржон МАҲМУД

БУХОРОЛИК ГИЛАМДЎЗЛАР ТУҲФАСИ

Мамлакатимиз истиқлолга эришгунга қадар Бухорода гиламдўзлик деярли йўқ эди. Яқин-яқингача ички бозорни Эрон, Хива гиламлари забт этганди. Мана, икки йилдирки, мустақиллик шарофати билан қадим шаҳарда гилам ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси — «Бухоро гилами» фаолият кўрсатаяпти. Низом жамғармаси 1,1 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур корхона маҳсулоти қисқа вақт ичидаёқ ўз харидорларини топди.

Қўшма корхона муҳандиси Эркин Тўхсановнинг таъкидлашича, маҳсулотнинг ҳам арзон, ҳам сифатлилиги харидорларга маъқул бўлмоқда. Гиламдўзлар экологик тоза хомашёни четдан эмас, балки қўшни Навоий вилояти, аникроғи, Томди ва Конимех туманлари чорвадорларидан олишаяпти. Корхонада бугунги кунда ҳар йили 600 минг квадрат метр жунли, 400 минг квадрат метр синтетик гиламлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона эндиликда ўз маҳсулотини хорижга чиқариш учун Қозоғистон, Россия ва Исроилнинг ўнлаб йирик фирмаларидан ҳам буюртмалар олди. Бир неча ой муқаддам Президентимизнинг мазкур корхонада бўлиши ишчиларни янада шижоат кўрсатиб ишлашга даъват этди. «Жаннатгул», «Ситора», «Садгул», «Беги» ва «Медуза» гиламлари байрам арафасида сотувга чиқарилди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози« мухбири

Спорт

ЯЙПАНДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Фарғона водийси азал-азалдан иқтидорли спортчилар, футбол фидойилари, ашаддий ишқибозларга бой бўлиб келган. Жумладан, водийнинг сўлим Яйпан шаҳрида ҳам спорт, айниқса, футболни ардоқлайдиган инсонлар талайгина. Олимжон Акбаров ана шундай спорт фидойиларидан бири эди.

1970-йилларда унинг ташаббуси билан тузилган «Меҳнат» жамоаси кўп йиллар республика биринчилигида муваффақиятли қатнашди. Олимжон аканинг ташаббуси туфайли Яйпанда ҳашар йўли билан беш минг ўринли стадион қад ростлади.

У елиб-югуриб, маҳаллий «Меҳнат» жамоаси билан «Нефтчи» (Фарғона), «Пахтакор» (Тошкент), «Кузбасс» (Кемерово, Россия), «Динамо» (Киев, Украина) футболчилари ўртасида ўртоқлик учрашувларини уюштиришга эришганди. Бугун водийлик минглаб футбол ишқибозлари ўша хайрли ишларни ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олишади.

Халқимизда «Оққан дарё оқаверади», деган ҳикматли гап бор. Яйпанда футбол фидойиси, марҳум Олимжон Акбаров бошлаб берган эзгу ишларни бугун унинг фарзандлари, шогирду дўстлари муносиб давом эттиришмоқда. Асосан маҳаллий ёшлардан таркиб топган футбол жамоасига Олимжон Акбаров номи берилган. Ўтган йили футбол бўйича вилоят биринчилигида муносиб тўп сурган яйпанликлар республика биринчи лигасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган. Ўзининг чиройли ва ҳужумкор ўйинлари билан муҳлислар меҳрини қозонаётган Олимжон Акбаров жамоаси шу кунларда Ўзбекистон биринчилигида қатнашаётган йигирма жамоа ўртасида бешинчи поғонани банд этиб турибди.



Истиқлолимизнинг 16 йиллиги тантана қилинаётган шу кунларда марҳум Олимжон Акбаровнинг фарзандлари ва шогирдлари Ўзбекистон тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл урди. Яйпандаги «Меҳнат» стадионида мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ҳамда Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб маҳаллий футболчилар ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўртасида ўртоқлик учрашуви ташкил этилди. Минглаб томошабинларда катта таассурот қолдирган ушбу ўйин ўзига хос спорт байрамига айланиб кетди. Учрашув бошланишидан олдин хушовоз хонандалар Ахрор Усмонов, Равшан Намозов, Жамила Гофурова, Анвар Санаев, Дилмурод Шайх ҳамда «Осиё», «Шарқ» гуруҳлари ижросида катта концерт намойиш қилинди. Сўнгра яшил майдонда Олимжон Акбаров ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари саф тортишди. Қизиқарли ўтган ўйинда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган мамлакат ёшлар терма жамоаси ғалаба қозонди — 0:1.

— Олимжон ака ниҳоятда меҳнаткаш инсон эди, — дейди яйпанлик етмиш бир ёшли Қосим ота Назиров. — У самимийлиги, бағрикенглиги билан ҳурмат қозонганди. У кишининг ташаббускорлиги, фидойилигидан лол қолардик. Футболчилар учун зарур бўлганда шахсий маблағини ҳам аямасди. Мен ўз вақтида Олимжон ака тузган жамоада тўп сурганман. Бугун марҳум устозимиз ва сафдошимиз бошлаган хайрли ишларни унинг фарзанд ва шогирдлари давом эттираётганидан беҳад хурсандман.

Дарҳақиқат, оталар бошлаган хайрли ишларнинг фарзандлар ва шогирдлар томонидан давом эттирилиши ибратли ва таҳсинга сазовор фазилатдир.

Эркин ХОЛБОБО

Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади

Капитал қурилиш бўйича директор ўринбосари	Инженер-механик	Инженер-энергетик	Электрик
— Қурилиш бўйича олий маълумотли; — Қурилишдаги иш стажи — камида 5 йил; — Раҳбарлик иш тажрибаси — камида 3 йил; — Ёши 30 дан 40 гача бўлиши лозим; — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.	— Олий техник маълумотли; — Иш стажи — камида 10 йил; — Юк кўтариш механизмларни, гидравлик прессларни аъло билиши; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши лозим; — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.	— Олий маълумотли; — Мутахассислик бўйича иш стажи — камида 5 йил; — ГҲК крани электр қисмларини, гидравлик прессларни аъло билиши; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак; — Маош — 300 000 сўмдан юқори.	— Ўрта махсус маълумотли; — Иш стажи — камида 5 йил; — Ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак; — Маош — 200 000 сўмгача.

Маълумотлар учун телефон: 187-17-11, 58-75-94, 58-75-96.
Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факс орқали юборишлари керак: (99871) 150-01-11, 150-11-55.
E-mail: CHERMETGROUP@ POSTBOX. UZ

Интер-спорт

МАҒЛУБИЯТСИЗ ЎЙИНЛАР

Футбол бўйича Россия чемпиони бўлишга ҳаракат қилаётган ЦСКА жамоаси мағлубиятсиз ўйинлар сонини 13 тага етказди. Навбатдаги учрашувни «Спартак» футболчиларига қарши ўтказган армиячилар ўйиннинг сўнгги дақиқасида рақиб дарвозасига жавобсиз тўп киритиб, мағлубиятдан қутулиб қолди.

— ЦСКАни мағлубиятга учратиш учун спартакчилар яна кўп меҳнат қилишига тўғри келади, — дейди армиячилар устози В.Газзаев. — Тўғри, бу ўйинда баъзи ҳолларда устунлик «Спартак»да бўлди. Биз эса аксинча, бор имкониятни ишга сола олмадик. Сўнгги дақиқада гол киритганимизни эса омадга йўйса бўлади. Мамлакат чемпиони бўлиш учун тайёргарликка зўр беришимиз лозим.

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси Ҳайъати Марказий Кенгаш аъзоси, Бухоро шаҳар партия кенгаши раиси Робия Козимовага турмуш ўртоғи **Сафо РАҲМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги «JUMA» таъминот базаси масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Жума шаҳар, А.Темур кўчаси, 2-уй.
Телефон: 8 (36646) 5-18-07.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8101 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23456
Sotuvda erkin narxda